**NDKI EMF “Texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish va boshqaruv” kafedrasi talabasining Informatika va AT fanidan**

# Taqdimoti

# РЕЖА

- Интернет тармоғининг тузилиши;
- Интернетга боғланиш усуллари: телефон линияси орқали Интернетга уланиш; мобил алоқа воситалари ёрдамида Интернетга уланиш;
- Веб саҳифа, Веб сайт ва  Веб портал тушунчалари;
- Манзил тушунчаси ва Интернет ресурслари манзили;
- Электрон почта хизмати;
- Хабар ва почта қутиси тушунчалари;
- Хабарларнинг турлари; Хабарларни узатиш ва қабул қилиш; Хабарларни кўпчиликка юбориш;
- Электрон почта манзили;
- Спам тушунчаси, спамларнинг турлари ва уларга қарши курашиш; Фильтрлар ва қора рўйхат;
- Миллий ва халқаро электрон почта хизматлари.

# Интернет тушунчаси




Интернет - бу ягона стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғидир. Унинг номи икки хил талқин қилинади, яъни “International Network” – халқаро тармоқ ва “Interconnected networks” «тармоқлараро» деган маънони англатади.

# Глобал тармоқ тушунчаси



Интернет тармоғининг асосий ячейкалари (қисмлари) бу шахсий компьютерлар ва уларни ўзаро боғловчи локал тармоқлардир. Интернет тармоғи – бу глобал тармоқ вакили ҳисобланади.

Интернет алоҳида компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатибгина қолмай, балки компьютерлар гуруҳини ўзаро бирлаштириш имконини ҳам беради.

# Интернет тармоғининг тузилиши

- Интернет ўз - ўзини шакллантирувчи ва бошқарувчи мураккаб тизим бўлиб, асосан учта таркибий қисмдан ташкил топган:




- Интернет тармоғининг техник таъминоти ҳар хил турдаги компьютерлар, алоқа каналлари ҳамда тармоқнинг техник воситалари мажмуасидан ташкил топган.
- Интернет тармоғининг дастурий таъминоти тармоққа уланган хилма-хил компьютерлар ва тармоқ воситаларини ягона стандарт асосида ишлашни таъминловчи дастурлар.
- Интернет тармоғининг ахборот таъминоти Интернет тармоғида мавжуд бўлган турли электрон ҳужжатлар, график расм, аудио ёзув, видео тасвир, веб-сайт ва ҳоказо кўринишдаги ахборотлар мажмуасидан ташкил топган.

# Интернет билан боғланиш




Оддий телефон линияси орқали Интернетга боғланиш




Мобил телефон орқали Интернетга боғланиш

# Модем тушунчаси ва унинг вазифаси

- Модем модулятор-демодулятор сўзларининг қисқартирилган шакли ҳисобланади. Модем сигнални (ахборот) телекоммуникация каналлар бўйлаб узатишни таъминлайди.
- Модем ёрдамида интернетда оддий аналог телефон тармоғи орқали боғланиш мумкин. Бундай модемларнинг назарий жиҳатдан энг юқори фойдаланиш тезлиги 56 Кб/сек. ни ташкил этади.
- Модем ички ва ташқи турларга бўлинади ва ҳар иккаласи ҳам интернетга ёки телекоммуникация тармоқларига уланиш учун хизмат қилади.



Ташқи факс/модем



Симсиз модем



Ички модем

# Интернет тармоғи вазифаси ва ундан фойдаланиш мақсадлари

- Интернет тароғиниг вазифаси интернет тармоғи абонетларига веб-ҳужжатларни ўқиш, электрон почта, файл узатиш ва қабул қилиш, мулоқотда бўлиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва улар билан ишлаш хизматини кўрсатиш.
- Интернет тармоғидан ахборотларни алмашиш, масофавий таълим олиш, конференциялар ўтказиш, веб-сайтларни ташкил этиш, электрон почтани жорий қилиш, мулоқот ўрнатиш ва шу каби мақсадларида фойдаланилади.

# Веб-саҳифа тушунчаси ва шакли

- Интернет манзили (URL) билан бир хил маънода белгиланувчи мантиқий бирлик. У веб-сайтнинг таркибий қисмидир. Веб саҳифа бирор воқелик, ҳодиса ёки объект тўғрисида маълумотларни ўзида жамлаган маълумотлар файлидир.



# Веб-сайт тушунчаси ва шакли

- Веб-сайт инглизча “site” сўзидан олинган бўлиб, жой, жойлашиш каби маъноларни билдиради.
- Умумжаҳон ўргимчак тўри маълум ахборотни топиш мумкин бўлган ва ноёб URL манзиллар билан белгиланган виртуал жой.
- Веб-сайт бош саҳифасида сайтнинг бошқа саҳифалари ёки бошқа сайтларга мурожаатлари мавжуд бўлади.
- Веб-сайт саҳифалари HTML, ASP, PHP, JSP, технологиялари ёрдамида яратилиб, матн, график, дастур коди ва бошқа маълумотлардан ташкил топган бўлиши мумкин.
- Веб-сайтни очиш учун броузер дастуридан фойдаланиб унинг манзил майдонига керакли веб сайтнинг манзили киритилади.
- Веб-сайт шахсий, тижорат, ахборот ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин.

# Веб портал тушунчаси

- Веб портал (инглизча “portal” – дарвоза сўзидан олинган) - бу Интернет фойдаланувчисига турли интерактив хизматларни кўрсатувчи йирик веб-сайт.
- Порталлар горизонтал (кўп мавзуларни қамровчи) ва вертикал (маълум мавзуга бағишланган), халқаро ва минтақавий, шунингдек оммавий ва корпоратив бўлиши мумкин
- Портал орқали Интернет фойдаланувчиларига қуйидаги интерактив хизматлар кўрсатилади:
  - Электрон почта
  - Маълумотларни қидириш
  - Веб-сайтларни жойлаштириш
  - Конференцалоқаларни тақдим этиш
  - Янгиликлар
  - форумлар ва х.к

# Веб сайтларнинг тоифалари ва вазифалари (Таълим сайтлари)

- Бу турдаги сайтларга таълим муассасалари, илмий-тадқиқот муассасалари ва масофавий таълим сайтлари киради, масалан: edu.uz, eduportal.uz



# Веб сайтларнинг тоифалари ва вазифалари (Тижорат сайтлари)

- Бу турдаги сайтларга интернет дўконлар, интернет тўлов тизимлари ва интернет конвертация тизимлари сайтлари киради, масалан: websum.uz, webmoney.ru, egold.com



# Веб сайтларнинг тоифалари ва вазифалари (Кўнгилочар сайтлар)

- Бу турдаги сайтларга компьютер ўйинларига, фотогалереяларга, саёҳат ва туризмга, мусиқа ва кино намойишларга бағишланган сайтларни киритиш мумкин, масалан: mp3.uz, melody.uz, shou-biznes.uz



# Веб сайтларнинг тоифалари ва вазифалари (Корхона ва ташкилотлар сайтлари)

- Бу турдаги сайтларга давлат корхоналари, хўжалик ва бошқарув органлари сайтлари киритилади.



# Интернетда манзил тушунчаси ва Интернет ресурслари манзили

Саҳифа, файл ёки бошқа ресурснинг Интернетда жойлашишини аниқловчи ноёб манзил – URL деб аталади.

Компьютер домен манзилининг ёки веб ресурс манзилининг намунавий кўриниши қуйидагича: http://www.tuit.uz, http://www.aci.uz.

**http://www.domain2.domain1**



# Домен манзилининг шаклланиши



# Интернет домен тизими

Интернет домен номлари Интернет манзилларида ишлатилиб, улар мамлакат номларини, ташкилот ва корхоналар фаолиятини англатади

**UZ** - Uzbekistan
**KG** - Kyrgyzstan
**KZ** - Kazakhstan
**RU** - Russia
**UA** - Ukraine
**UK** - United Kingdom
**US** United States

**COM** - Commercial
**EDU** - US Educational
**GOV** - Government
**INT** - International
**MIL** - US Military
**NET** - Network
**ORG** - Non-Profit Organization

www.gov.uz

# Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарорига асосан Ҳукумат портали Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий давлат ахборот ресурси ҳисобланади.



# Анъанавий почта хизмати

- **Анъанавий почта хизмати:**
  - ҳар бир шаҳар ва марказларда жойлашган почта алоқаси корхоналари оркали амалга оширилади.
  - Бунда жўнатилиши режалаштирилаётган хат махсус конвертга солиниб юборувчи ва қабул қилувчининг индекси, манзили ва кимга мўлжалланганлиги ёзилади.
  - Шу маълумотларга асосланган холда почта корхонаси келган хатни марказий почта корхонасига юборади ва у ерда сараланиб тегишли манзилга элитиб беришни таъминлайди.
  - Камчилиги: юборилган хабар ёки хат манзил узоқлигига қараб кунлаб, ойлаб бориши, баъзи ҳолларда умуман етиб бормаслиги ҳам мумкин





# Электрон почта хизмати ва унинг афзалликлари

- Интернет–халқаро тармоғининг асосини Electronic mail (E-mail) - Электрон почта хизмати ташкил қилади.

- Электрон почта худди одатдаги почтадек бўлиб, фақат бунда хатни қоғозга эмас, балки компьютер клавиатурасидан ҳарф ва сўзларни териб, электрон сигналларнинг маълум тартибдаги кўринишига келтиради.

- Электрон почта махсус дастур бўлиб, унинг ёрдамида дунёнинг ихтиёрий жойидаги электрон манзилга хат, ҳужжат, яъни ихтиёрий файлни тезда (бир неча сонияларда) жўнатиш ва қабул қилиб олиш мумкин.

- Бундан ташқари маълум талаблар мавжуд, яъни бунда хат жўнатаётган фойдаланувчи ва қабул қилаётган фойдаланувчи ҳам Интернет тармоғига уланган компьютерга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлиши керак.





FW: Sheet for MAS - Сообщение (Обычный текст)

Дополнительные разрывы строк в сообщении были удалены.

От: Thomas Christoffersen [thomas@mathsoft.com] Отправлено: Пт 03.10.2003 17:43
Кому: ochkov@twt.mpei.ac.ru
Копия: Boris Manson (Softline Russia)
Тема: FW: Sheet for MAS

Dear Valery,
We can get you a trial evaluation of Mathcad Application Server through Softline Russia, our local distributor.
This is free of charge and limited to 30 days.
You will need to sign an evaluation form which Softline Russia (whom I copy on this notice) can find at http://www.mathsoft.co.uk/extranet/sales/collaterals/mathcad/Mathsoft %20Software Evaluation Agreement.pdf before we can deliver the software and trial.

Remember that the software requires Mathcad v11 SR-1 and a separate Windows 2000 server to function.
I hope this is what you are looking for an that we may be able to see your developments soon.

Please do not hesitate to contact us for further informations.

Best regards

Thomas Christoffersen
International Sales Manager

Mathsoft Engineering & Education, Inc.
Knightway House, Park Street
Bagshot, Surrey, GU19 5AQ
United Kingdom
Tel: +44(0) 1276 450854
Gsm:+44(0) 7973 560952
Fax: +44(0) 1276 475552
mailto:thomas@mathsoft.com <mailto:thomas@mathsoft.com> http://www.mathsoft.com



# Электрон хабар узатиш кетма-кетлиги



# Хабар ва почта қутиси тушунчалари

- Хабар, умуман олганда, фойдаланувчи почта орқали юбориши керак бўлган маълумот ҳисобланиб ва олдиндан бошқа дастурда тайёрланади, кейин электрон почта орқали жўнатилади
- Почта қутиси – бу фойдаланувчи учун электрон почта хизматини тақдим этувчи компьютерда қайд қилинган номдир
- Ушбу ном компьютер хотирасида папка кўринишида шакллантирилади ва у ўзида кирувчи ва чиқувчи хабарларни вақтинчалик саклайди.
- Электрон почта манзили(___ @ _________.__ )





# Электрон почта манзили

Электрон почта манзили: почта қутиси номи ва почта сервери манзилидан иборат бўлади

**name@domain2.domain1**

**info@tuit.uz**

Почта қутиси номи

Ташкилот домени

Асосий домен

# Хабарларни узатиш

- Ташкил қилинган электрон почта орқали бошқа электрон манзилга хат жўнатиш кетма-кетлигини кўриб чиқамиз:
  - дастлаб, **mail.ru** Web саҳифаси ишга туширилади
  - ҳосил бўлган ишчи ойнанинг ***Имя*** майдонига фойдаланувчи электрон манзили ва ***Пароль*** майдонига пароли киритилади
  - ***Войти*** тугмачаси босилади



# Хабарларни узатиш

- Хабарни узатиш учун қуйидаги кетма-кетлик бажарилиши лозим

- **Кому** майдонига хат жўнатилиши керак бўлган электрон манзил
- **Тема** майдонига хат мавзуси
- Хат мазмуни пастки бўш ойнага ёзилади
- **Отправить** тугмачаси босилади



# Спам ва спамларнинг турлари

- **«Спам»** термини янги мазмунда жонга тегувчи электрон тарқатмалар ёки почта чиқиндилари деган маънони англатади
- Спам куйидаги турларга бўлинади:
  - **Аноним:** барча кўпинча айнан яширин ёки қалбакилашти-рилган қайта алоқа манзили кўрсатилган автоматик тарқатмалардан жабрланади.
  - **Оммавий:** ушбу тарқатмалар айнан оммавий ва фақатгина шулар спамерлар учун ҳақиқий бизнес ҳамда фойдаланув-чилар учун ҳақиқий муаммо ҳисобланади.
  - **Сўралмаган:** имзоланган тарқатмалар ва конференциялар бизнинг тушунчамизга кирмаслиги кераклиги яққол тушунарли. Ҳар бир электрон почта хизмати ўзининг фойдаланувчиларига спамдан ҳимояланиш воситаларини таклиф қилишади.

# Фильтрлар ва қора рўйхат

- **Фильтрлар** асосан почта қутисига келаётган хатларнинг мавзуси, кимдан келган манзили асосида саралаш ва тартиблаш функциясини бажаради.

- **Қора рўйхат** эса хат юборувчи манзилни махсус журналга киритиб бу манзилдан бошқа хат олмаслик мақсадида ишлатилади.

# Миллий электрон почта хизматлари

- Ҳозирги кунда миллий почта хизматлари ҳам анча ривожланиб бормокда.
- Ўзбекистондаги ҳар бир Интернет провайдер ўзининг почта сервери ва хизматига эга бўлиб, асосан ўзининг мижозларига хизмат кўрсатади.
- inbox.uz очиқ почта тизими ҳисобланади ва бу тизим орқали хоҳловчи фойдаланувчилар хат ва хабарлар жўнатиб қабул қилишлари мумкин.



# Халқаро почта хизматлари

- Электрон почта орқали маълумот юбориш учун икки усул кенг тарқалган:
  - бепул электрон почта хизмати деб юритилиб, ундан фойдаланиш учун Интернетда маълум бир Web саҳифалари мавжуддир.
  - Булар **mail.ru, yahoo.com, mail.uz, gmail.com**
  - Microsoft exchange дастури. Бу дастур ёрдамида локал ҳисоблаш тармоғи ёки алоҳида компьютерда халқаро почта хизматлари web саҳифаларни чақирмасдан хабарларни тўғридан - тўғри компьютерга юклаб олиш ёки юбориш имкониятини беради

# Электрон почтадан фойдаланиш ва электрон хабарларни алмашиш маданияти

- Почтангизни тез-тез ўқиб туринг
- Хатда албатта сарлавҳа кўрсатиш зарурдир
- Хатингизни олувчини билинг ва ҳурмат қилинг
- Хатни хатосиз ёзинг
- Хабарни кисқа ёзинг
- Ўз хатингизни бошқа манзилларга кўчиришликдан сақланинг
- Керак бўлмаган тақдирда ўз хатингизда жавоб ва сўровлар йўлламанг
- Сўровларга тўлиқ жавоб беринг

# Эътиборингиз учун рахмат!